



ЎЗБЕКИСТОН ВА ШХТ: ИНСТИТУЦИОНАЛ РИВОЖЛАНИШ ДИНАМИКАСИ

Жаббаоров Мухриддин

мустақил изланувчи

Аннотация. Мақолада Ўзбекистон Республикасининг Шанхай ҳамкорлик ташкилоти институционал ривожланишидаги ўрни таҳлил қилинади. Ўзбекистоннинг таъсисчиликдан тортиб, раислик даврларида илгари сурган ташаббуслари, ШХТнинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамлаш, аъзоликни кенгайтириш ва халқаро ҳамкорликни ривожлантиришидаги ҳиссаси ёритилади.

Калит сўзлар: ШХТ, Ўзбекистон, институционал ривожланиш, раислик, халқаро ҳамкорлик.

Annotation. The article analyzes the role of the Republic of Uzbekistan in the institutional development of the Shanghai Cooperation Organization. It highlights Uzbekistan's initiatives as a founding member and during its chairmanships, focusing on legal frameworks, organizational expansion, and the strengthening of international cooperation.

Keywords: SCO, Uzbekistan, institutional development, chairmanship, international cooperation.

КИРИШ Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) замонавий халқаро муносабатлар тизимида минтақавий барқарорлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиётни таъминлашга қаратилган нуфузли кўп томонлама тузилма ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси ушбу ташкилотнинг таъсисчи давлатларидан бири сифатида унинг шаклланиши, институционал мустаҳкамланиши ва фаолият механизмларини такомиллаштириш жараёнларида изчил ва фаол иштирок этиб келмоқда. Мамлакатнинг ШХТ доирасидаги саъй-ҳаракатлари сиёсий мулоқотни кенгайтириш, иқтисодий ҳамкорликни чуқурлаштириш, минтақавий хавфсизликни таъминлаш ҳамда гуманитар алоқаларни ривожлантиришга хизмат қилмоқда. Айниқса, Ўзбекистон раислик қилган даврларда илгари сурилган ташаббуслар Ташкилотнинг халқаро майдондаги мавқеини мустаҳкамлаш ва унинг салоҳиятини тўлиқ рўёбга чиқаришда муҳим аҳамият касб этди.

Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг таъсисчи аъзоси сифатида унинг институционал асосларини шакллантириш ва ҳуқуқий-меъёрий базасини такомиллаштириш жараёнларида муҳим ўрин эгаллайди. Мамлакат ШХТ доирасида қарорлар қабул қилиш механизмларини аниқ белгилаш, ташкилот органлари фаолиятини мувофиқлаштириш ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашга қаратилган ташаббусларни изчил қўллаб-қувватлаб келмоқда. Ўзбекистон раислиги даврларида Ташкилот фаолиятининг устувор йўналишлари

кайта кўриб чиқилди ҳамда ШХТнинг очиқ ва инклюзив тузилма сифатида халқаро майдондаги мавқеини оширишга алоҳида эътибор қаратилди. Бу, аввало, ШХТнинг БМТ Бош Ассамблеясида кузатувчи мақомини олиши ҳамда халқаро ва минтақавий ташкилотлар билан институционал алоқаларни йўлга қўйиш орқали намоён бўлди.

Ҳуқуқий-меъёрий асосларни такомиллаштиришда Ўзбекистон ташаббуслари. 2010 йилда Ўзбекистон ташаббуси ва фаол иштироки билан ишлаб чиқилган ШХТ Процедура қоидалари ҳамда янги аъзоларни қабул қилиш тўғрисидаги Низом Ташкилот фаолиятида муҳим босқич бўлди. Ушбу ҳужжатлар ШХТ доирасида қарорлар қабул қилишнинг шаффоф, аниқ ва ягона тартибини белгилаб берди. Мазкур ҳужжатлар қабул қилинганга қадар ШХТ доирасида норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни ишлаб чиқиш ва келишиш жараёнлари ягона талаблар асосида тартибга солинмаган эди. Шу боис, Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган мазкур қоидалар Ташкилотнинг институционал барқарорлигини таъминлашда муҳим аҳамият касб этди.

ШХТнинг кенгайиши ва минтақавий хавфсизлик масалалари. 2016 йилда Тошкент шаҳрида ўтказилган ШХТ саммити Ташкилот тарихида илк бор аъзо давлатлар таркибининг кенгайиши билан аҳамиятли бўлди. Ҳиндистон ва Покистоннинг тўлақонли аъзо давлат сифатида қўшилиши ШХТнинг геосиёсий ва иқтисодий салоҳиятини оширди. Бироқ мазкур давлатлар ўртасидаги мавжуд зиддиятлар ШХТ доирасида минтақавий хавфсизликни таъминлаш масалаларини янада долзарб қилди. Бу эса Ташкилот доирасида инқирозли вазиятларга тезкор жавоб қайтариш, шу жумладан «антиинқирозли бошқарув» механизмларини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирди.

Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида ШХТнинг ўрни. 2017 йилдан кейинги даврда Ўзбекистон Республикасининг ташқи сиёсат стратегиясида ШХТ кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантиришнинг муҳим платформаси сифатида қаралмоқда. Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуслар савдо-иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, транспорт-транзит салоҳиятини ошириш, рақамли иқтисодиёт, яшил энергетика, тиббиёт ва гуманитар ҳамкорликни ривожлантиришга қаратилган. 2019 йилда Тошкент шаҳрида ШХТ Халқ дипломатияси марказининг очилиши Ташкилот доирасида жамоатчилик дипломатиясини институционал ривожлантириш йўлидаги муҳим қадам бўлди.

Самарқанд саммити ва ШХТнинг янги ривожланиш босқичи. 2022 йил 15–16 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида ўтказилган ШХТ саммити Ташкилот фаолиятида сифат жиҳатидан янги босқични бошлаб берди. Саммит доирасида сиёсий, иқтисодий, хавфсизлик ва маданий-гуманитар соҳаларни қамраб олган 44 та муҳим ҳужжат қабул қилинди. Самарқанд саммити натижасида Эрон Ислом Республикасининг ШХТга тўлақонли аъзо бўлиши йўлидаги жараён бошланди, шунингдек, қатор давлатларга кузатувчи ёки мулоқот бўйича шерик мақомлари берилди.

1-жадвал. ШХТга аъзо давлатларнинг раислик йиллари⁵⁰

Давлат	Раислик йиллари
Хитой	2006, 2012, 2018
Россия	2009, 2015, 2020
Қозоғистон	2011, 2017, 2024
Ўзбекистон	2004, 2010, 2016, 2021–2022
Қирғизистон	2007, 2013, 2019, 2025
Тожикистон	2008, 2014
Ҳиндистон	2023

2-жадвал. Ўзбекистон ташаббуси билан қабул қилинган асосий институционал ҳужжатлар⁵¹

Йил	Ҳужжат номи	Аҳамияти
2010	Тартиб-тамойил қоидалари	Қарор қабул қилиш тизимини ягона тартибга солиш
2010	янги аъзоларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низом	ШХТни кенгайтириш механизмларини белгилаш
2019	ШХТ Халқ дипломатияси маркази	Гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлаш

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистон Республикаси Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг институционал ривожланишида фаол ва ташаббускор иштирокчи сифатида намоён бўлмоқда. Мамлакат томонидан илгари сурилган ҳуқуқий, ташкилий ва сиёсий ташаббуслар ШХТнинг самарадорлигини ошириш, унинг халқаро нуфузини мустаҳкамлаш ҳамда минтақавий барқарорликни таъминлашга хизмат қилмоқда. Янги Ўзбекистон ташқи сиёсатида ШХТ доирасидаги ҳамкорлик кўп томонлама ва узоқ муддатли стратегик манфаатларга жавоб берадиган муҳим йўналиш сифатида намоён бўлмоқда.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Устави : 2002 йил 7 июнь, Санкт-Петербург шаҳрида қабул қилинган. — Санкт-Петербург, 2002. — 24 б.
2. ШОС выступает за принятие конвенции ООН по борьбе с терроризмом // Regnum — информационное агентство. URL. <https://regnum.ru/news/polit/2149222.html>.

⁵⁰ https://eng.sectesco.org/towards_HSC/

⁵¹ https://eng.sectesco.org/towards_HSC/

3. Власти Узбекистана ужесточили антитеррористические законы // Inozpress.kg:
Переводы зарубежных СМИ о Кыргызстане и Центральной Азии. URL:
<http://inozpress.kg/news/view/id/48589>

